O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 4 - mart 112-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

“Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”ни бекор қилиб, ер майдонларини туман ҳокимлиги захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида тўлиқ ва қисман қайтариш ҳамда давлат рўйхатига олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 25 февралдаги 01-019-337-сонли тақдимномаси, Зарбдор тумани ҳокимининг 24.02.2022 йилдаги 07/42-сонли, Дўстлик тумани ҳокимининг 24.02.2022 йилдаги 07-24-сонли, Зафаробод тумани ҳокимининг 22.02.2022 йилдаги 01-62-сонли хатлари ҳамда 36 нафар фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларининг ўз розилик ариза ва хатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 25 февралдаги 01-019-337-сонли тақдимномаси, Зарбдор тумани ҳокимининг 24.02.2022 йилдаги 07/42-сонли, Дўстлик тумани ҳокимининг 24.02.2022 йилдаги 07-24-сонли, Зафаробод тумани ҳокимининг 22.02.2022 йилдаги 01-62-сонли хатлари ҳамда 36 нафар фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларининг ўз розилик ариза ва хатлари инобатга олинсин.

2. Зарбдор, Дўстлик, Зафаробод, Арнасой ва Ғаллаорол туманлари ҳокимликлари захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рўйхати **1-иловага** мувофиқ

тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимининг айрим қарорларига **2-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Давлат кадастрлари палатаси (**Н.Сидиков**)га захирага қайтарилаётган ер майдонларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Б.Бобоқулов**). Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**). “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (**К.Холмуродов**). Зарбдор, Дўстлик, Зафаробод, Арнасой ва Ғаллаорол туманлари ҳокимликлари билан биргаликда захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

6. Зарбдор, Дўстлик, Зафаробод, Арнасой ва Ғаллаорол туманлари ҳокимликлари **уч кун ичида** 150,0 гектар ер майдонларининг захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли 36 нафар қишлоқ хўжалиги корхона раҳбарларини огоҳлантирсин.

7. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига иловадаги ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари туманлар захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилиши муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни кўриб чиқиб, якуний хулосани **уч кун муддатда** вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

8. Иловада кўрсатилган МЧЖ, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ва ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганлиги тўғрисидаги аризаларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик тегишли туманлар ҳокимлари, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** ва бошқарма бошлиғи ўринбосари **И.Эргашев** зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари О.Ашурматов

ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Б.Бобоқулов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Jizzax viloyat hokimining
2022 yil 4 martdagi
112-3-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Жизах вилояти туманларидаги ер майдони тўлиқ ва қисман захирага олинаётган ижарачи субъект (фермер ва бошқа яшлоқ хўжалиги корхона)лари

РЎЙХАТИ

№	Туман ва фермер хамда бошқа яшлоқ хўжаликлари корхоналарн номи	Рахбари Ф.И.Ш	Ихтисослиги	Ер майдони жойлашган массив номи	Контур рақами	Жами ер майдони	Шу жумладан:								Шундан захирага олиниши					Шу жумладан:								Вилоят хокимлигида рўйхатга олинган захирага олинишига асос бўлган розилик ариза рақам ва санаси
							суғли	лалми	бог	узум	мегузов	Кўп йиллик дарахтзорлар	ийлов ерлар	бошқа ерлар	Контур рақами	Умумий ер майдони, га	шундан, экин ер майдони, га	Захирага олинган-дан кейин колган жами майдони, га	Контур рақами	суғли	лалми	бог	узум	тутзор	Кўп йиллик дарахтзорлар	ийлов ерлар	бошқа ерлар	
2	"SERHOSIL ISTIQBOL BOG'LARI" ф/х	Ў.Турсунбоев	сабзавотчилик-полизчилик	Истиқбол ФҲҲУ	221к	1	1								221к	1	1											25.02.2022 № 2069-мт
3	"NURISLOM GAVHARI" ф/х	Ш.Назаров	пахта-галла	Мустақиллик ФҲҲУ	268, 269к	33,3	32,6							0,7	269к	3	3	30,3	268, 269к	29,6							0,7	24.02.2022 № 2053-мт
4	"ZOHID BARS" Ф/х	У.Муратов	пахта-галла	Бўстон ФҲҲУ	212, 226, 213, 223, 188, 189, 190, 214, 215, 216, 217, 218	146,4	121,3					0,6		24,5	189	3	3	143,4	212, 226, 213, 223, 188, 189к, 190, 214, 215, 216, 217, 218	118,3					0,6		24,5	24.02.2022 № 2054-мт
5	"SHAVKATLI JAVOHIR" ф/х	Р.Файзиев	пахта-галла	Бўстон ФҲҲУ	155, 156, 161, 162, 163, 164, 165, 166, 167	131,2	96,4		4,3			1	7,2	22,3	156	3	3	128,2	155, 156к, 161, 162, 163, 164, 165, 166, 167	93,4		4,3			1	7,2	22,3	24.02.2022 № 2056-мт
6	"YUKSAK MAVJLI TO'LQIN" ф/х	М.Турдибеков	пахта-галла	Бўстон ФҲҲУ	31, 32, 33, 34	60,6	48,3					0,6		11,7	32	3,0	3,0	57,6	31, 32к, 33, 34	45,3					0,6		11,7	24.02.2022 № 2055-мт
7	"SARDORBEKNING QAYTISHI" ф/х	Т.Бўрибоев	пахта-галла	Й.Курбонов ФҲҲУ	131, 132, 124, 125, 126, 127, 128, 129	63,9	45,8						5,6	12,5	132	3,0	3,0	60,9	131, 132к, 124, 125, 126, 127, 128, 129	42,8						5,6	12,5	24.02.2022 № 2057-мт
8	"ADIROBOD TULPORI" ф/х	Ў.Алимкулов	пахта-галла	Й.Курбонов ФҲҲУ	9, 16, 14, 15, 8, 18, 19к	139,9	84,7					1	6,7	47,5	19к	3	3	136,9	9, 16, 14, 15, 8, 18, 19к	81,7					1	6,7	47,5	24.02.2022 № 2059-мт
9	"YANGI KERIZ G'ALLASI" ф/х	М.Ибрагимов	пахта-галла	Кериз ФҲҲУ	109, 111а	44,8	26,1						18,1	0,6	109,000	3	3	41,8	109к, 111а	23,1						18,1	0,6	24.02.2022 № 2058-мт
10	"JIZZAX AGRO-FRUIT" МЧЖ	Х.Палванов	Богдорчилик	Ғаллакор ФҲҲУ	21, 22, 23, 24, 27, 28, 39к, 45к	142,1	129			0,9				12,2	22	4,0	4,0	138,1	21, 22к, 23, 24, 27, 28, 39к, 45к	125			0,9				12,2	25.02.2022 № 2068-мт
11	"HURSHID GARDEN-US" ф/х	У.Суюнов	сабзавот-полизчилик	Тараққиёт ФҲҲУ	321к	1	1								321к	1,0												25.02.2022 № 2067-мт
12	"SOHIBKOR BOBIR" ф/х	Б.Исиров	пахта-галла	Тоза уруғ ФҲҲУ	319к, 321, 318, 322, 324, 323, 327, 341, 343, 329	80,3	69							11,3	319к	5,0	5,0	75,3		64							11,3	25.02.2022 № 2066-мт
13	"ZAMIN TAFTI" ф/х	Ф.Дусбеков	пахта-галла	Тоза уруғ ФҲҲУ	294, 296, 313, 316, 320к, 322а, 323, 324, 325, 334, 335	99,4	94,1							5,3	335	10,0	10,0	89,4	294, 296, 313, 316, 320к, 322а, 323, 324, 325, 334, 335к	84,1							5,3	25.02.2022 № 2074-мт
14	"RIVOJ DAVR" ф/х	Б.Холматов	пахта-галла	Наврўз ФҲҲУ	92, 123, 125, 126, 127, 140, 141, 143, 147	119,1	110,7					1,1		7,3	141, 143	10,0	10,0	109,1	92, 123, 125, 126, 127, 140, 141к, 143к, 147	100,7					1,1		7,3	25.02.2022 № 2065-мт
15	"NURALIYEVA KAMOLA" ф/х	К.Нуралиева	сабзавот-полизчилик	Й.Курбонов ФҲҲУ	19к	1	1								19к	1,0	1,0											25.02.2022 № 2076-мт
16	"HUDOYORHON DALASI" ф/х	С.Саттарова	пахта-галла	Истиқбол ФҲҲУ	211, 210, 213, 205, 215, 219, 220, 221, 223, 184, 185, 202	160,5	119,8							40,7	223	5,0	5,0	155,5	211, 210, 213, 205, 215, 219, 220, 221, 223к, 184, 185, 202	114,8							40,7	24.02.2022 № 2060-мт
17	"MUSTANG TEZLIGI" ф/х	К.Нуралиева	пахта-галла	Бахт ФҲҲУ	121, 123, 137, 143к	78,8	70,8					0,1	6,9	1	137	4,0	4,0	74,8	121, 123, 137к, 143к	66,8					0,1	6,9	1	24.02.2022 № 2061-мт
18	"SHAVKAT ERBO'TAYEV" ф/х	Ш.Эрбўтаев	пахта-галла	Наврўз ФҲҲУ	97, 99, 100, 113, 113а, 114, 115, 116, 117, 118, 118к, 124	171,2	147					0,1	14,3	9,8	100	10,0	10,0	161,2	97, 99, 100к, 113, 113а, 114, 115, 116, 117, 118, 118к, 124	137					0,1	14,3	9,8	24.02.2022 № 2062-мт
18	**Гуман бўйича жами**					**1475,5**	**1199,6**		**4,3**	**0,9**		**4,5**	**58,8**	**207,4**		**73,0**	**72,0**	**1402,5**		**1126,6**		**4,3**	**0,9**		**4,5**	**58,8**	**207,4**	
	Ҷафаробод тумани																											
1	"MINISHKOR" ф/х	Ж.Болиев	пахта-галла	С.Рахимов ФҲҲУ	8, 41	87,1	84,4							2,7	8к	2,0	2,0	85,1	8к, 71, 68	82,4							2,7	25.02.2022 № 2084-мт
2	"FARRUX XURSHID" ф/х	Б.Ҳўрозбоев	пахта-галла	С.Рахимов ФҲҲУ	3к, 115к	68,7	64,5						3,0	1,2	3к	3,0	3,0	65,7	3к, 158	61,5						3,0	1,2	25.02.2022 № 2083-мт
3	"GULMUROD BOBO" ф/х	Н.Гулмуродов	пахта-галла	Кожахмет ФҲҲУ	146,147,150,167,169к	79,4	75,2					0,8		3,4	2025к	3,0	3,0	76,4	2025к, 2003к, 2005	72,2					0,8		3,4	25.02.2022 № 2082-мт
4	"TEMUR BUNYODKOR" ф/х	Ф.Бозорбоев	пахта-галла	Кожахмет ФҲҲУ	199, 180, 182	83,2	79,6					0,3	0,5	2,8	2016к	2,0	2,0	81,2	2016к, 2012	77,6					0,3	0,5	2,8	25.02.2022 № 2081-мт
5	"ZAFAROBOD PAXTAKORI 777" ф/х	Э.Сайитқулов	пахта-галла	Кожахмет ФҲҲУ	183к,190к,192,193	85,4	82,0					1,3		2,1	2037	2,0	2,0	83,4	2037к, 2035к, 2037к	80,0					1,3		2,1	25.02.2022 № 2079-мт
6	"TINCHLIK TUTZORI" ф/х	А.Тошев	пахта-галла	Тинчлик ФҲҲУ	13к,22,21,47к	60,9	50,2							10,7	1893	4,0	4,0	56,9	1893к, 1866к	46,2							10,7	25.02.2022 № 2077-мт
7	"SOYDAGI NOLA" ф/х	Ш.Хасанов	пахта-галла	Тинчлик ФҲҲУ	65к,66,52к,53,63,62к	82,6	70,6						0,1	11,9	1870	2,0	2,0	80,6	1870к, 1895	68,6						0,1	11,9	25.02.2022 № 2072-мт

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29
	Ғарбдор тумани																											
1	"SERHOSIL ISTIQBOL OSHYONI" ф/х	О.Эшатов	сабзавотчилик-полизчилик	Истиқбол ФҲҲУ	221к	1									221к	1	1											25.02.2022 № 2064-мт

8	"GULCHAMBAR CHAMANZOR" ф/х	А.Наруллаев	пахта-галла	Тинчлик ФҲҲУ	38,39,43,55,54,56,59,60	102,8	87,7					0,9	14,2	1887, 1892	3,0	3,0	99,8	1887к, 1892к	84,7					0,9	14,2	25.02.2022 № 2073-нт
9	"SOYBO`YI LOLASI" ф/х	К.Нормуродов	пахта-галла	Тинчлик ФҲҲУ	18к,17,16,15	70,5	68,8						1,7	1869к	3,0	3,0	67,5	1869к	65,8						1,7	25.02.2022 № 2078-нт
10	"TO`RABEK UYG'YN" ф/х	Ш.Дуялонов	пахта-галла	С.Сиидаров ФҲҲУ	150, 148	86	84,0						2,0	889	3,0	3,0	83,0	889к, 890	81,0						2,0	25.02.2022 № 2071-нт
11	"MAQSUDBEK ASIL MARD" ф/х	С.Кулкараев	пахта-галла	С.Сиидаров ФҲҲУ	104, 110	82,1	81,1						1,0	942к	5,0	5,0	77,1	942к, 951	76,1						1,0	25.02.2022 № 2080-нт
12	"LOLAZORLIK G`AYRATBEK" ф/х	М.Дарханов	пахта-галла	Ф.Хўжаев ФҲҲУ	1276, 1274, 1292, 1373к	99,7	95,8		0,3				3,6	1274	4,0	4,0	95,7	1274к, 1276, 1292, 1373к	91,8		0,3				3,6	25.02.2022 № 2070-нт
13	"QOYADAGI TUTZOR" ф/х	Д.Ўнгалов	пахта-галла	С.Рахимов ФҲҲУ	2к, 9к	62,2	60,2						2,0	90к	2,0	2,0	60,2	88, 90к	58,2						2,0	25.02.2022 № 2145-нт
13	**Туман бўйича жами**					**1050,6**	**984,1**		**0,3**			**2,4**	**4,5**	**59,3**		**38**	**38**	**1012,6**		**946,1**		**0,3**			**2,4**	**4,5**	**59,3**	
	Арнасой тумани																										
1	"RUSLAN CHORVA DALASI 2020" ф/х	М.Эсанбаев	чорвачилик	Туркистон ФҲҲУ	171, 178, 179, 180	21,40	19,9					0,5	1	171, 180	7	7	14,4	178, 179, 180к	12,9					0,5	1	18.02.2022 № Э-265
1	**Туман бўйича жами**					**21,40**	**19,90**					**0,50**	**1,0**		**7,0**	**7,0**	**14,40**		**12,90**					**0,50**	**1,0**	
	Дўстлик тумани																										
1	"ISHTIYOQ QALB" ф/х	И.Шайманов	пахта-галла	Р.Эсенкулов ФҲҲУ	106к	35,6	30				0,3		5,3	106к	5,0		30,6	106к	30,0						0,6	25.02.2022 № 2075-нт
2	SERSUV CHARXPALAK" ф/х	А.Шодмонов	пахта-галла	М.Дадажонов ФҲҲУ	50, 37к, 53к	53,3	41				0,6		11,7	50, 37к, 53к	11,1		42,2	50к, 37к, 53к	41,0					0,2	1	25.02.2022 № 2101-нт
3	"CHOSHTEPA" ф/х	С.Хамраев	пахта-галла	М.Абдурасулов ФҲҲУ	31к	81,4	69,4				0,3		11,7	31к	5,9		75,5	31к	69,4					0,3	5,8	25.02.2022 № 2100-нт
3	**Туман бўйича жами**					**170,3**	**140,4**				**1,2**		**28,7**		**22,0**		**148,3**		**140,4**					**0,5**	**7,4**	
	Галлиорол тумани																										
1	"SHO'RCHA MOJIZASI" ф/х	Б.Файзиев	галлачилик	Э.Исмоилов ФҲҲУ	6к	126,8		124,6					2,2	6к	10	10	116,8	26, 27, 32, 37к, 33, 36, 42		114,6					2,2	22.02.2022 № 1920-нт
1	**Туман бўйича жами**					**126,8**		**124,6**					**2,2**		**10**	**10**	**116,8**			**114,6**					**2,2**	
36	**Жами**					**2844,6**	**2344,0**	**124,6**	**4,6**	**0,9**	**8,1**	**63,8**	**298,6**		**150,0**	**127,0**	**2695**		**2226,0**	**114,6**	**4,6**	**0,9**		**7,4**	**63,8**	**277,3**	

Jizzax viloyat hokimining
2022 yil 4 martdagi
112-3-0-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Вилоят ҳокимининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

1. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 14 октябрдаги 167-3-0-Q/21-сонли қарори иловасининг техник хатолик бўлганлиги сабабли Дўстлик туманига тегишли 38-сатридаги “Иштиёқ қалб” фермер хўжалигига тегишли умумий ер майдони кўрсатилган 4-устундаги 65 рақами **70,6** рақамига алмаштирилсин.

2. Вилоят ҳокимининг мазкур қарори қабул қилиниши муносабати билан 2022 йил 16 январдаги 17-3-0-Q/22-сонли қарори иловаси Шароф Рашидов туманига тегишли 39-сатридаги “Дафна ифори” МЧЖнинг умумий ер майдони кўрсатилган техник хатолик билан 5-устундаги 769,3 гектар ёзилганлиги сабабли ушбу 769,3 рақами **952,0** рақамига, 9-устундаги 763,3 рақами **946,0** рақамига алмаштирилсин.

3. Вилоят ҳокимининг 2022 йил 1 февралдаги 53-3-0-Q/22-сонли қарори иловасининг техник хатолик бўлганлиги сабабли Шароф Рашидов тумани Равот массивига тегишли банди 2-сатри 5-устундаги 5583ч рақами **5783ч** рақамига алмаштирилсин, 3-сатр 5-устундаги битта контур яъни 5610-контури қарор иловасида кўрсатилмасдан қолганлиги сабабли 5613 рақамидан кейин **5610** рақами билан тўлдирилсин ҳамда 3-сатр 6-устундаги 7 рақами **8** рақамига, 7-устундаги 7 рақами **8** рақамига, 9-устундаги 7 рақами **8** рақамига алмаштирилсин.